



2015/06 №26

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

ИЖДИЙ РАВВОЗ

ИНСТИТУТИМИЗДА «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ВА «ТАЛАБА-ЁШЛАР ИЖОДИЁТИ» ФЕСТИВАЛИ



Ёш ижодкорларнинг интеллектуал салоҳиятини, тафаккурини юксалтириш, изланишларни қўллаб-қувватлаш, уларни профессионал маҳоратларини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда ижтимоий ва маданий ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятнинг асоси бўлган ёшларни мустақил фикрлашга, юртимиз тараққиётига даҳлдорлик ҳиссини кучайтириш лозим. Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Очиқ эшиклар куни» ва «Талаба-ёшлар ижодиёти» фестивали институтда маданият, санъат соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг янги босқичга кириб бораётганлиги, жаҳон талабаларини ўзида ифода этаётганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур фестивал ёш истеъдодли санъаткорларнинг маҳоратини юзага чиқаришда улкан имкониятлар эшигини очмоқда. Жорий йилнинг 1 июнидан 12 июнига қадар бўлиб ўтган бу йилги фестивал ранг-баранг мавзудаги, замонавий ва мумтоз асарларни ўзида мужассам этганлиги билан янгича қиёфа касб этди.

1 июнь куни ўз ишини бошлаган фестивал «Очиқ эшиклар куни» билан бошланиб, бунда институтдаги мавжуд мутахассислик кафедралари ўз фаолиятларини акс эттирадиган қизиқарли кўргазмаларни ташкил этди. «Очиқ эшиклар куни»га ташриф буюрган ўндан ортиқ коллеж, лицей битирувчилари, санъат соҳасига қизиқувчи кўплаб ёшлар ва уларнинг ота-оналари институт фаолияти, кафедралардаги ўқув жараёнлари ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг кўп йиллик тажрибалари билан яқиндан танишди. Талабалар учун яратилган шарт-шароит, барча қулайликларга эга, техник воситалар билан жиҳозланган ўқув хоналари, ўқув театри ҳақида хабардор бўлишди.

«Очиқ эшиклар куни» фестивалнинг очилиш маросими билан боғланиб кетди. Тадбирни институт ректори, профессор Б.Сайфуллаев очиб, анъанавий фестивалнинг

мақсад ва вазифалари, унинг аҳамиятли жиҳатлари, ўсиб келаётган ёш ижодкорларга берилаётган кенг имкониятлар ҳақида тўхталиб ўтди. Сўнгра доиралар садоси остида тадбирнинг театрлаштирилган бадий қисми бошланди. Концерт дастуридан ўрин олган, театрлаштирилган концерт дастури барчага хуш кайфият улашди.

Фестивалнинг биринчи кунда драматик театр ва кино актёрлиги бўлимининг 4-курс талабалари томонидан



ИЖОДИЙ САРҲИСОБ

саҳналаштирилган Иззат Султоннинг «Имон» спектакли намоёйиш этилди. Айнан шу курс талабалари томонидан намоёйиш этилган «Эски шаҳар болалари» спектакли ҳам инсон руҳиятидаги сирли жараёнларни очишга, унинг ички мураккаб психологик жараёнларини ёритишга ҳаракат қилинганлиги билан эътиборли бўлди.

Бу йилги фестивал қамровининг кенглиги, институтдаги барча йўналишларни қамраганлиги билан эътиборли бўлди. Фестивалдан кўзланган мақсад ўзбек санъатининг эртанги кунини, келажагини ёш ижодкорлар фаолияти билан боғлаш, уларнинг имкониятларини, истеъдодини,

маҳоратини кенг жамоатчиликка тарғиб қилишдан иборатдир.

Фестивал репертуаридан ўрин эгаллаган «Тоҳир ва Зухра» (С.Абдулла асари, Т.Жалилов мусиқаси) спектаклида ҳам мусиқали театр актёрлиги 4-курс талабаларининг кенг ижро имкониятлари намоён бўлди. Айниқса, Навбахор Содиқова ижросидаги Зухранинг алам-изтироблари, ўз севгиси учун кураши томошабинда ҳаяжон уйғота олди.

Шунинг билан бирга эстрада актёрлиги 4-курс талабаларининг «Соҳибжамол ва махлуқ» ҳамда (рус гуруҳининг) «Чикаго», 4-курс қўғирчоқ театри актёрлиги бўлими томонидан намоёйиш этилган «Этик кийган мушукча» (Ш.Перро асари) спектакли фестивал иштирокчиларини мулоҳазага чорлади. Фестивал репертуаридан ўзбек ва жаҳон адабларининг замонавий ва мумтоз асарлари ўрин эгаллаган. Репертуардан жой олган барча асарлар талқинида бугунги кунга алоқадорлик ёрқин сезилиб туради. Нукус филиалининг 4-курс драматик театр ва кино актёрлиги талабалари томонидан ижро этилган «Турна патлари» (Дзундзи Киносито асари) спектаклида ҳам бугунги куннинг долзарб масалалари акс этди.

Шунингдек, фестивалга тақдим этилган қисқа метражли («Грамафон», «Ринг қироли», «Оқ булут») фильмлари, саҳна нутқи, чолғу ижрочилиги ва вокал кафедралари қўшма концерти, «Оҳанг — руҳ тарбиячиси» концерт дастурларида битирувчи талабаларнинг институтда эгаллаган билим ва иқтидорлари, имкониятлари намоён бўлди.

Фестивал давомида институт профессор-ўқитувчиларининг узоқ йиллар давомида таълим-тарбия ва ижодий соҳада олиб бораётган ҳаракатлари, эришган ютуқлари, орттирган тажрибалари, мустаҳкам педагогик маҳоратлари, устоз-шогирд анъаналаридаги йирик муваффақиятлар ёрқин исботини топди.

Умуман олганда, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бу йилги «Очиқ эшиклар куни» ва «Талаба-ёшлар ижодиёти» фестивалида ҳам янги номлар кашф этилди. Ушбу фестивал ёш ижодкорлар ҳаётида, ижодида ўчмас из қолдириши, қолаверса, эртанги катта марраларни кашф этишида пойдевор вазифасини ўташи шубҳасиз.

Фахриддин АБДУВОҲИДОВ
Санъатшунослик ва маданиятшунослик
кафедраси ўқитувчиси

ЯПОН АСАРИ ҚОРАҚАЛПОҚ ЁШИЛАРИ ТАЛҚИНИДА!

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида «Очиқ эшиклар куни» ва «Талаба-ёшлар ижодиёти» фестивалини ташкил этиш яхши анъанага айланган. Бунда илмий ишлардан ташқари асосан битирувчи курс талабалари томонидан тайёрланган энг сара ижодий ишлар томошабинлар ва ҳайъат аъзолари ҳукмига ҳавола этилади.

Ҳар йили бўлиб ўтадиган мана шу фестивалга Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали талабалари ҳам қизгин тайёргарлик кўриб, ўзларининг ижодий ишлари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Бу йилги фестивалга Нукус филиали раҳбарияти ўзларининг 4-курс драматик театр ва кино актёрлиги бўлими талабалари томонидан япон ёзувчиси Дзундзи Киносито асари Лиза Халиқназарова таржимаси асосида курс бадий раҳбари Амангелди Қудайназаров томонидан саҳналаштирилган «Турна патлари» номли диплом спектакли намоёйиш бўлиб ўтди.

Спектаклни томоша қилар эканмиз, педагог-режиссёр томонидан спектаклни саҳналаштиришда ўзига хос йўл топишга, воқеаларни рақс, пластик хатти-ҳаракатлар ёрдамида очишга, қолаверса, ўзига хос режиссёрлик ечим ва топилмалар топишга интиланлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Спектаклда иштирок этаётган талаба актёрларга япон ҳаётини, ўзига хос характер ва юриштиришини чуқур ўргатишга интилганликларини

томоша жараёнида кузатдик. Бош роль ижроچиси (Яқий) Адилбек Заматдинов, Тсу ролини ижро этган Айсанем Қурбаназарова, Содо ролини ўйнаган Парахат Базарбаев, Ундзу роли ижрочиси Азамат Балтабаевлар характер топишга, воқеага киришга, ролининг салмоғини ҳис қилишга, пластик ҳаракатларни чуқур эгаллашга, япон миллатига хос нозикликни очиб беришга, асар воқеасини ишонарли ва чуқур талқин қилишга алоҳида эътибор қаратганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ижодкор воқеа кетма-кетлигини узмаслик учун асосан расом, балетмейстерлар билан ижодий изланишлар олиб борганлиги томоша давомида сезилиб турди ва якунида ўз ечимини топди.

Асарда юз берадиган воқеа ва тўқнашувлар ижодий гуруҳ аъзолари ва томошабинларга айтирли даражада бегона эмас. Чунки воқеалари катта қизиқиш ва иштиёқ билан ўқиладиган ҳамда жировлар томонидан телерадио тўлқинларида тез-тез эфирга узатиладиган «Едиге» номли халқ достонида рўй берадиган воқеа ва ҳодисалар «Турна патлари» асаридаги тўқнашувларга яқин. Хулоса ўрнида шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, санъатимиз рағнақи йўлида бўлажак истеъдод эгаларини кашф этиш ва уларга машаққатли санъат сирларини ўргатиш педагог-режиссёрларнинг асосий вазифасидир.

Рашид УСНАТОВ
Мусиқали, драматик театр ва кино санъати
кафедраси катта ўқитувчиси



Тўғал муҳаббат талқини

2 июнь куни Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти Ўқув театрида театр санъати факультети мусиқали театр актёрлиги 4-курс талабаларининг диплом спектакли бўлиб ўтди. Талабалар ўзбек халқ эртақлари асосида яратилган Собир Абдулла асари бўлиши «Тоҳир ва Зухра» пьесасини саҳналаштирди. Асар мюзикл йўналишида бўлиб, композитор Тўхтасин Жалилов мусиқа басталаган.

Тоҳир ва Зухра — абадий, шарқона севги афсонаси. Бўлажак мусиқали театр актёрлари маҳорат билан спектаклни намоёйиш этишди. Курс бадий раҳбари, доцент Насрулло Қобилов спектакль намоёйишида ҳар бир талабанинг ижросини инобатга олган. Бош роль ижрочилари Элёр Эсонов — Тоҳир, Навбахор Содиқова — Зухра образлари янги кўринишда намоён бўлди. Спектаклдаги Хоразм воқасида бўлиб ўтадиган воқеалар асарга жонли руҳ олиб кирди. Хоразм маликаси ва унинг канизлари персонажлари асар қаҳрамонлари табиатининг хилма-хиллигини белгилаб берди. Моҳим — Паризод Муҳиддинова тилдаги шева орқали тўлақонли характер яратди. Унинг эшик оғаси Жуманиёз — Фаррух Рустамов ҳам бошидаги чўғирма, ўзининг содда

ҳаракатлари билан персонажнинг ҳақиқий мардлигини кўрсатди.

Қоработир, Нозим роллари тўлалигича очиб берилмади. Эртанг ёки пьесадаги салбий қаҳрамон, қаҳри қаттиқ ва севиб севиломмаган Қоработир саҳнада ўз қиёфасини тополмади.

Янги талқинда хормейстер — О.Комилжонов, дирижёр — А.Тўраевнинг ҳиссаси катта. Актёрларнинг ария куйлаш борасидаги қобилиятлари ҳам таҳсинга лойикдир. Грим устаси — Феруза Джадидованинг иши ҳам персонажларга ўзгача тус берди. Бош қаҳрамонлардан тортиб эпизодик ролларгача қаҳрамонларнинг юз қиёфаси асар руҳиятини ифодалади.

Миллий асар менталитетимизни намоёйиш этибгина қолмай, балки халқимизнинг бутунжаҳон ҳамжамиятида туган ўрнини ҳам кўрсата олди. «Тоҳир ва Зухра» каби шарқона муҳаббат тараннуми, ишқий туйғулар уйғунлиги, садоқат тасвири бошқа асарларда учрамайди. Бизнинг саҳналаримизда ҳам шундай ибратли асарларнинг кўпайишини истаб қоламиз.

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ
Саҳна ва экран санъати драматургияси
бўлими 2-курс талабаси



ХОРИЖЛИКЛАР ИНСТИТУТИМИЗ МЕҲМОНИ

2015 йил 2 июнь кунин UZDOC лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига хорижлик меҳмонлар ташриф буюрди. Европа бирлашмаси ташкилотининг бошлиғи ва UNICA ташкилотининг аъзоси, Загреб университети профессори Мелита Ковачевич, UNICA ташкилотининг бош котиби, докторантура таълими бўйича элчи Крис Дежонкири, Загреб университетининг докторантура таълими маркази бошлиғи Славен Михал-жевик ва UZDOC лойиҳаси бош координатори Марта Брелих-Васовскалар институтимиз ректори Б.Сайфуллаев билан бўлган суҳбатдан кейин «Раҳбарлар орасида бу қадар очик кўнгил инсонни кўрмаган эдик. Бизни илиқ табассум билан кутиб олганлари бизда катта таассурот қолдирди», — деб айтишди. Хорижлик меҳмонлар институт билан танишиб чиқишар экан, унинг ҳудудида

барча шароитлар яратилганлигидан ҳайратга тушибди. Айниқса, Ўқув театрида намоиш этилган «Тоҳир ва Зухра» номли мусиқали



драмани томоша қилишгандан сўнг хорижликлар бир томондан Ўқув театрининг ҳашаматли ва замонавий қурилмалар билан

жиҳозланганлигидан дол қолган бўлсалар, бошқа томондан талабаларнинг маҳорати таълим бердилар. Улар ҳеч қандай санъатни бунчалик севувчи ва ўзи амалга ошираётган ишдан завқланувчи талаба-ёшларни кўрмаганликлари таъкидландилар.

Улар ҳукумат томонидан санъат, маданият ва таълим соҳасига берилаётган эътиборни юксак баҳолаб, талабаларга яратиб берилган шарт-шароитларга ҳавас билан қарашди. Умуман, институтга ташриф буюрган меҳмонларда ўзбек миллий санъатимиз ва маданиятимиз катта таассурот қолдирди.

Элдор ЮЛДАШЕВ
Ёш олимлар кенгаши раиси,
Нодира КАСИМОВА
Кино, телевидение ва радио
режиссёрлиги
кафедраси ўқитувчиси

САНЪАТ ТАЪЛИМИ: ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР, НАТИЖАЛАР, ИЗЛАНИШЛАР

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига «Санъат таълими: инновацион жараёнлар, натижалар, изланишлар» мавзусидаги анъанавий илмий-назарий ва амалий конференция бўлиб ўтди.

Санъат ва маданият азалдан бадиий тараққиётни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф этилган. Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқимизнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларига ҳамда бетакрор санъат ва маданиятга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш мақсадида «Санъат таълими: инновацион жараёнлар, натижалар, изланишлар» мавзусидаги анъанавий институт профессор-ўқитувчиларнинг

тириш истиқболлари, санъат ва маданият соҳасида кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини оширишга доир долзарб масалаларни муҳокама этиш, санъат ва маданият соҳасидаги янги инновацион жараёнлар ва изланишлар натижасини таҳлил қилиш ва амалиётда қўллашга тавсия этиш конференциянинг асосий мақсади бўлди.

Конференцияда 18 та кафедра профессор-ўқитувчилари ўзларининг маърузалари билан театр санъатининг ўзбек маданияти цивилизациясидаги роли; кино, телевидение ва радио санъати масалалари; халқ ижодиёти: анъанавий қўшиқчилик, чолғу, ашула ва рақс санъатининг назарий ва амалий муаммолари; санъатшунос-лик ва маданиятшунослик фанлари ривожига ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамияти; малакали кадрларни тарбиялашда тилшу-



илмий-назарий конференцияси ўтказилди. Бугунги кунда инновацион жараёнлар амалга оширилмоқда. Инновацион жараён — педагогик янгиликларни ўзлаштирилиши ва улардан амалиётда самарали фойдаланишнинг ўзгариб боруви яхлитлигидир. Таълим жараёнидаги инновацион ўзгаришлар, тизимга ҳар қандай янгиликни киритилиши бевосита талабалар фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган. Инновацион фаолият — бу узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Педагог кадрлар масъулияти ва касб кўникмасини ошириш, илғор педагогик технологиялар ҳамда таълимнинг янги шакл ва услубларини қўллаш, ривожланган давлатларнинг инновация тизимлари ва ушбу йўналишдаги тажрибалар, мамлакатимизда инновация фаолиятини ривожлан-

носликнинг ўрни номли 5 та шўъбада иштирок этдилар.

Институтнинг Илмий тадқиқот бўлимида энг яхши маърузалар танлаб олинди, тўплам шаклига келтирилди. «Санъат таълими: инновацион жараёнлар, натижалар, изланишлар» мавзусидаги тўпламда санъат ва маданият йўналишида фаолият олиб бораётган таниқли олимлар, ёш тадқиқотчи-изланувчиларнинг мақолалари ўрин олди. Тўпламдаги материаллар илмий тадқиқот олиб бораётган ёш олимларга, катта илмий ҳодим-изланувчи ва мустақил изланувчиларга дастуриламал бўлиб хизмат қилади ва назарий кўникмаларни ўзлаштиришда китобхонга қулайлик тугдиради.

Баҳор Тўраева
Илмий тадқиқот бўлими бошлиғи

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ПЕДАГОГИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ юқори малакали педагогларни аниқлаш ва рағбатлантириш, педагогик фаолиятнинг нуфузини янада ошириш, таълим ва тарбия соҳасидаги инновация технологияларини кенг оммалаштириш, педагогик фаолиятда соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиш, олий таълим тизимидаги профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги 32-сонли қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танлови тўғрисидаги Низомга асосан жорий йилнинг 1 апрелидан 30 майга қадар Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига «Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог», «Энг яхши педагог тадқиқотчи», «Инновация ва ахборот технологияларини қўлайдиган энг яхши педагог» номинациялари бўйича танловлар ўтказилди.



Танлов ишларини баҳолаш мезонлари: педагогик концепциянинг аниқ қўйилиши, унда таълим ривожланишининг замонавий босқичдаги асосий анъаналарга мос равишда илмий-педагогик ғояларни касбий фаолиятда амалга ошириш даражаси, тақдирнинг мантиқийлиги ва баён этиш қобилияти, касбий компонентлиги, ахборот-коммуникация технологияларини ва хорижий тилларни ўзлаштирганлик даражаси, улардан касбий фаолиятда фойдаланиш малакасида кўра танлов иштирокчилари баҳоланди.

Танлов комиссияси Хайъати томонидан «Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог» номинацияси бўйича Халқ ижодиёти факультети, «Чолғу ижрочилиги» кафедраси мудири профессор Тошматов Ўрозали Фофурович 1-ўрин, «Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш» кафедраси катта ўқитувчиси Юлдашева Манзура Бориходжаевна 2-ўрин, «Вокал» кафедраси доценти Ольга Васильченко Анатолевна 3-ўринларни эгалладилар. «Энг яхши педагог-тадқиқотчи» номинацияси бўйича Театр санъати факультети, «Эстрада ва оммавий томошалар санъати» кафедраси доценти в.б. Маматқосимов Жаҳонгир Абиркулович 1-ўрин, «Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати» кафедраси ўқитувчиси Юлдашев Эльдор Садикович 2-ўринни эгаллади. Барча ғолиблар институт маъмурияти томонидан фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ғолиб деб топилган профессор-ўқитувчиларимизга республика босқичида ҳам фахрли ўринларни эгаллашларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Абдурасул ЎРОЗОВ
Институт ўқув бўлими бошлиғи

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ, МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сонли Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бу борада мутасадди вазирлик, идоралар ва олий таълим муассасалари ўртасида изчил ҳамкорликни йўлга қўйиш, Фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик ва профессор-ўқитувчилар ўртасида тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош илмий-методик марказ, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ҳамда ЎзДСМИ ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази билан ҳамкор-

ликда 2015 йил 23 июнь кунин институтда «Олий таълим муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш масалалари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Респуб-



ликаси Президенти Фармонидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар жадал суръатлар билан давом этаётган даврда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан янгилашга қаратилган ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси юзасидан ислохотлар олиб боришмоқда. Шундай ислохотларнинг самараси ўлароқ, бугунги кунда педагог кадрларни қайта

тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан янгилаш билан бир қаторда янги мазмун-моҳият билан бойиб бормоқда. Зеро, мамлакатимиздаги таълим тизими, айниқса, кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш тизими ҳам замонавий бўлмоғи, жаҳон талабларига жавоб бермоғи лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги давра суҳбати айнан педагог кадрлар-

ни қайта тайёрлаш, ушбу соҳадаги муаммолар, камчиликлар ва уларнинг ечими ҳамда истиқболларига қаратилганлиги билан диққатга сазовордир.

Мазкур тадбирда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош илмий-методик маркази масъул ходимлари, Олий таълим муассасалари проректорлари, ўқув бўлими бошлиқлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари, мутахассислар ва экспертлар, оммавий ахборот воситалари иштирок этдилар.

Президент Фармониди кўтарилган масалалар, қўйилган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди. Давра суҳбатида Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасили ошириб бориш, уларни замонавий талабаларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш масалалари юзасидан мутахассислар томонидан мунозаралар, мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди.

Тадбир сўнггида бугунги кунда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва ушбу тизимни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш юзасидан ўзаро фикрлар алмашилди ва бу тизимга жаҳон стандартлари асосида янгиликлар жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Бахтиёр САЛАЙДИНОВ
Тармоқ маркази бўлими бошлиғи




«ЗАРБ — 2015»

«Зарб — 2015» Республика кўрик-танлови ўрта махсус маданият ва санъат таълим муассасалари, Олий таълим муассасалари, ижодий тўғарақлар ҳамда якка доира созандалярининг 16-40 ёшгача бўлганлар ўртасида 1991 йилдан буён ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилиб келинмоқда.

Бу йил ҳам Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида «ЗАРБ — 2015» Республика кўрик-танлови 2015 йил 21 майдан 25 май кунларигача бўлиб ўтди. Кўрик-танловда Хоразм, Жиззах, Навоий, Фарғона, Андижон вилоятлари, Ўзбекистон Давлат консерваторияси хузуридаги Иқтидорли болалар академик лицейи, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти якка ижрочилар ва доирачилар ансамбллари фаол иштирок этди.

Кўрик-танловда учинчи ўринни Ўзбекистон Давлат консерваторияси хузуридаги Иқтидорли болалар академик лицейининг «Доирачилар ансамбли», иккинчи ўринни Жиззах вилояти «Доирачилар ансамбли», биринчи ўринни Хоразм вилояти «Доирачилар ансамбли» эгаллади. Якка ижрочилик бўйича Фарғона вилояти Фарғона шаҳар санъат коллежи анъанавий ижрочилик бўлими 3-курс ўқувчиси Ж.Ахунов учинчи ўринни, Ўз.ДК хузуридаги Иқтидорли академик болалар лицейи анъанавий ижрочилик бўлими 2-курс ўқувчиси Д.Тиркашев иккинчи ўринни, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти чолғу жамоаларига раҳбарлик бўлими 3-курс талабаси Ш.Эргашев фахрли биринчи ўринни эгаллади. Ансамбллар ва якка ижрочиларни тақдирлаш маросими 26 май куни Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида ўтказилди. Тақдирлаш маросимида устоз ва мураббийлар голиб бўлган иштирокчиларга бунданда юксак ишончли зафарлар тилаб, дипломларини топширдилар.

Гулшона АДҲАМЖОНОВА
Касб таълими: Чолғу жамоаларига раҳбарлик бўлими 3-курс талабаси



1-ўрин
совриндори



2-ўрин
совриндори



3-ўрин
совриндори

НАШИ ВЫПУСКНИКИ

За годы своей деятельности институт искусств выпустил большое количество достойных деятелей культуры и искусств, прославивших нашу страну на мировой арене. Среди них и такие знаменитости, как Абдылдаев Бекеш (1957), Ройзман Зиновий Александрович (1964), Рысбек Ахметов (1968) и многие другие.



Особенно хотелось бы остановить внимание на выпускниках нашего института, вошедших в труппу ныне преуспевающего Молодежного театра Узбекистана. Художественный руководитель театра — Заслуженный деятель искусств Узбекистана Абдурахманов Наби Каюмович, который окончил отделение режиссуры бывшего в то время Ташкентского театрально-художественного института имени А.Н.Островского (мастерская народной артистки Узбекистана Ольги Александровны Черновой) и который сегодня является педагогом режиссуры и актерского мастерства в Государственном институте искусств и культуры Узбекистана. Еще будучи руководителем Театра-студии «Дард», Наби Абдурахманов организовал труппу из выпускников актерско-режиссерского курса Театрального института, мас-



терской народной артистки Узбекистана А.З.Кабулова, где и сам был педагогом. В его труппу также вошли такие выпускники Театрально-художественного института, как Тимур Бекмамбетов (1987) и Виктор Вержбицкий (1983). Известный сегодня во всем мире кинорежиссер Т.Бекмамбетов стал художником-постановщиком спектаклей «Вкус меда» Ш.Дилени и «Эквус» П.Шеффера. А популярный ныне актер российского кино В.Вержбицкий исполнял роль доктора Дайзертав спектакле «Эквус».

Сегодняшнюю труппу составляют такие актеры, учившиеся в разные годы в театральном институте, как Заслуженная артистка Узбекистана Фатима Режаметова, Азат Бекмуратов, Заслуженная артистка Узбекистана Малика Искандарова, Васса Васильева, Анвар Картаев, Вера Владимировна, Альберт Халмурзаев, Бобур Юлдашев, Лейла Сеид-Оглы, Октамова Нилуфар. «Молодую гвардию» театра составляют Камилла и Обид Абдурахмановы, которые, стоит заметить, не только играют в спектаклях главного режиссера, но и ставят свои постановки, Хасан и Хусан



Салиховы, выпускники мастерской Наби Абдурахманова актерско-режиссерского курса — Афсона Шабаева (Азимова), Елена Приходько, Анастасия Ниязова (Разумова), Юлия Хусенова (Янгуршиева), отделения «актер эстрады» — Мария Иванова (мастерская С.С.Каприелова), Виктория Смирнова, Адия Абдышаева. Также постепенно вливаются в труппу ребята, еще учащиеся в Институте искусств и культуры Узбекистана, среди которых студент 1-го курса отделения «Актер кукольного театра» мастерской О.А.Останиной и В.И.Юсуповой — Малик Валиходжаев.

Молодежный театр был участником многих международных театральных фестивалей: в Каире (Египет), Хайфе (Израиль), Берлине (Германия), Самаре, двух фестивалей «Манифест» в Ростове-на-Дону, Кузнецке, Международных фестивалей им. А.П.Чехова в Москве, III Всемирной театральной Олимпиады в Москве, Бресте (Белоруссия) и 16 раз на Международном фестивале стран СНГ и Балтии «Встречи в России» в г.Санкт-Петербурге. Сегодня в репертуаре театра насчитывается около 40 спектаклей для молодежи, взрослой и детской аудитории, авторами и исполнителями которых являются выпускники нашего института.

Лариса КРЮКОВА
Преподаватель кафедры вокал

Санъаткор маънавияти



интизом, мавжуд тартиботларга амал қилиш, миллийлик ва менталитет, жисмоний фаолият, устозлар сабоги ва улардан унумли фойдалана олиш талаб қилинади.

Кекса саҳна арбобларининг қадри замоналар ўтиши билан ортиб бораверди. Чунки улар ҳавас қилса, ўрганса, ўзлаштира арзирли бақувват ижодий мактаб яратилди. Ушбу мактаб анъаналарини ўрганиш — ҳозирги ва бўлгуси санъаткорлар учун ҳам қарз, ҳам фарзир.

Санъат аҳлида саҳна санъатининг чинакам чўққисини забт этиш учун тўқсон тўққиз фоиз меҳнат ва табиат томонидан берилган бир фоиз истеъдод талаб қилинади, — деган иборалар кўп бора кулоққа чалинади. Шундай экан, ҳақиқий меҳнатгина санъаткорни маънавиятга, қолаверса, эл назарига чорлайди.

Ана шу хислатларни ўзида мужассам этган санъаткоргина ҳақиқий маънавиятга эришиши, эл ардоғидаги санъаткор бўлиши мумкин.

Саодат МУЗАФФАРОВА
Вокал кафедраси катта ўқитувчиси

МАҲОРАТ КАЛИТИ

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида 30 май куни тингловчиларнинг назарий ва амалий билимларини янада такомиллаштириш учун унинг таркибида Ахборот-ресурс марказини очирилиши бўлиб ўтди. АРМни очирилишида Бош илмий-методик марказининг директор ўринбосари Муҳаббат Мирсолиева, ЎзДСМИ раҳбарияти ҳамда Тармоқ марказ директорлари, марказнинг тингловчилари иштирок этишди. АРМ фондига ЎзДСМИ АРМ фондидан 1000 дан ортқ китоблар ва видео дисклар ажратилди. Ундан ташқари ҳар бир мутахассислик кафедралари профессор-ўқитувчилари ўзларининг илмий-услубий қўлланмалари ва дарсликларидан совға тариқасида тармоқ марказга топширдилар. Шунингдек, 4 майдан 30 майга қадар ташкил қилинган чолғу ижрочилиги, вокал санъати, дирижёрлик йўналишлари тингловчиларининг навбатдаги ўқув машғулоти ўз ниҳоясига етди. Юқоридаги йўналиш тингловчилари малакавий иш Ҳимоясидан сўнг ўзларининг ижодий ҳисобот концертини намоиш этдилар.



«ТАЛАБА-ЁШЛАР ИЖОДИЁТИ» ФЕСТИВАЛИНИНГ ЯКУНИ

Орзиқиб қутилган кун арафасида ўтказилган, ўзида байрамона, жўшқин ёшлик шукуҳини акс эттирган анъанавий «Очиқ эшиклар куни» ва «Талаба-ёшлар ижодиёти» фестивали йиғилган ўқитувчи-ю талаба, ташир буюрган барча санъаткору меҳмонларни ўзгача бир кўтаринки руҳда



тўлқинлантириб юборди. Ушбу катта байрам ўз ишини белгиланган дастур асосида амалга ошириб, фестивалга тақдим этилган ишларни баҳолаш, улар ичидан энг кучлиларини танлаб олиш учун халқимиз меҳрини қозонган, жаҳон эътирофи этган санъаткорлардан иборат бир гуруҳ ҳакамлар ҳайъати белгиланган эди. Салкам бир ой давомида талабаларнинг ижод маҳсуллари мухлислар эътиборига ҳавола қилинган бўлиб, ҳакамлар ҳайъати ижро маҳорати, мавзунинг долзарблиги, бадийлик, оригиналлик каби мезонлар орқали очиқ овоз бериш йўли билан ҳар бир номинатсияга лауреатларни аниқлаб берди. Жумладан, «Йилнинг энг фаол талабаси» Азамат Охунди, «Энг яхши санъат ва маданият тарғиботчиси» Дилдора Қаршибоева, вокал аёл хонандаси Шаҳноза Йўлдошева, эркак хонандаси Миршод Элов, яхши фильм режиссёрлиги бўйича Ҳабибулла Лутфуллаев, операторлик иши бўйича Ҳасан Отабоев, овоз режиссёрлиги бўйича эса Ситора Вафоева, сўз ижрочиси Жаҳонгир Йўлдошев, энг яхши дирижёр Лобар Сувонова, энг яхши мақола муаллифи Азиз Матёкубов, созанда Эргаш Собиров, аёл эпизодик роль ижрочиси Раимжон Усмонов, энг яхши актриса Навбахор Содиқова, энг яхши актёр Сардор Қодирқулов ва «Йилнинг энг яхши диплом спектакли» деб қўғирчоқ театри актёрлиги курсининг Ш.Перро қаламига мансуб «Этик кийган мушукча» асари ғолиб деб топилди ва эътирофга сазовор бўлган овозлар билан кўпчилик эътиборини қозониб келаётган Зулайхо Бойхонова, Гули Асалхўжаева, Улғбек Раҳматуллаев, Машхурбек Раимжонов, Самандар Ҳамроқулов, Дилноза Исмиёминова ва бошқа

санъат аҳлининг ижроси барча фестивал иштирокчиларининг қалбидан чуқур ўрин олди.

Институтимиз ректори профессор Бахтиёр Сайфуллаев ўз чиқишларида бу йилги анъанавий фестивалнинг аввалгиларидан фарқли эканини, яъни фестивалнинг кенг қўламлиги, турли хил мавзудаги замонавий ва мумтоз асарларни ўзида мужассам этганлиги ҳамда энг асосийси бу йилги талабаларнинг кўпчилиги истеъдодли, ўз йўналишининг етук иқтидор эгаси эканликларини таъкидлаб ўтдилар, шунингдек, улар байрам кечасига фойз қўшиб турган салобатли 40 нафар битирувчи магистрантларни ҳам қизгин қутлаб, уларнинг келгусидаги ижодий ишларида улкан парвозлар тиладилар. Айниқса, магистрантларга меҳр билан қараб турган, санъатга ошурфта абитуриентларнинг санъатга бўлган қизиқишлари, интилишларининг янада ортиши уларнинг чеҳраларидан кўриниб турар эди.

Талабаларнинг ушбу анъанавий фестивали маданият ва санъат соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг янгича талқинга кириб бораётганлигидан, шунингдек, жаҳон талабаларини ўзида мужассам этаётганлигидан далолатдир Зеро, мамлакатимизнинг айна пайтда ижтимоий ва маданий ислохотларни чуқурлаштириш палласида эканлигини инобатга олсак, жамиятнинг асоси саналмиш



ёшларнинг мустақил фикрлаши мамлакат ҳаётига, унинг тараққиётига дахлдорлик ҳиссини ошириш долзарб саналади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, фестивалнинг асосий мақсади — Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти битирувчи курс талабаларининг ижодий ютуқларини намойиш қилиш ва баҳолаш, битирувчи талаба-ёшларнинг ижодий, илмий қобилиятларини қўллаб-қувватлаш, улар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни рағбатлантириш, бу жараёнга ўқитувчиларни бадий раҳбар сифатида фаол иштирок этишига жалб қилишдир.

Ижодий лойиҳалар доирасида ўтказилган ушбу катта тадбир барчада унутилмас таассурот қолдирди.

Муҳаррам БОЗОРОВА
Девонхона ходими

ХАЙР ЭНДИ МЎЎТАБАР ДАРГОХ!



Исоқтой ЖУМАНОВ сўзи,
Рудакий АЛЛАМБАЕВ мусиқаси.

Талабалик бахтимизнинг тотли лаҳзаси,
Нурли кунлар ширин тушдай ўтди-ю кетди.
Санъатимиз истиқболи, ёруғ эртаси,
Чорламоқда ижод сеҳри мафтунлар этди.

Бугун мана парвозга шай навқирон авлод,
Ўз бахтингни, ўз тахтингни бунёд қил бунёд.
Орзуларинг, мақсадларинг ҳеч қилма барбод,
Инсон бўлгин, инсонлардай кечиргин ҳаёт.

Касб-коримиз қутлуг хислат, ширин орзудир,
Бу орзунинг пок неъматини, нурли туйғудир.
Ўз касбингда ижод қилсанг, ёруғ ёдудир,
Орзуларинг увол қилсанг, қалбга қайғудир.

Хайр энди азиз даргоҳ, илмли маскан,
Тароватинг соғинтирар, гулзору чаман.
Ижодхона, илм чашмаси, беқиёс гулшан,
Бизни чорлар касб-коримиз улугвор Ватан.

Хайрлашар ҳиммат, меҳр, талпинган юрак,
Хайр энди азиз даргоҳ мафтункор маскан.
Қалбимизда асрағаймиз гўё жону тан,
Бизни энди кутмоқдадир улугвор Ватан.



ЎҚИШДАН ТУХТАМАН

Аҳоли ўртасида телевизор кўриш даражаси 94 фоизни, китоб ўқиш даражаси бор-йўғи 4,5 фоизни ташкил этаркан. Бу ачинарли ҳолдир. Ваҳоланки, ўқиш билан олишнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Чунки у инсон онги ва тафаккурини ўткирлайди. Инсон ўқиш орқали парвардигорни, ҳаётни, борлиқни танийди. Ўқиш кишини тўғриликка, гўзал ахлоққа бошлайди.

Китоб энг яхши ўртоқдир. Шундай экан, китоб танлашга жиддий эътибор бериш, дуч келганини эмас, саралаб ўқиш керак. Ўқиган китобимиз фикрлашимизни, дунёқарашимизни ижобий томонга ўзгартириши, муаммоларга ечим топиши, ҳаётимизни тўғри ўзганга солиши лозим.

Тан олайлик, кўпчилигимиз охири марта қачон битта китобни бошдан-оёқ ўқиб тугатганимиз эсимиздан ҳам чиқиб кетган.

Бугун кўпчиликда таҳлил этиш қобилияти кам. Натижада, оммавий ахборот воситалари ёки ижтимоий тармоқларда ким нима деса, лаққа тушиш ҳолатлари кўпайган. Бунга ҳам айнан китоблар мутолааси камайиб кетгани сабабдир.

Унутмайлик, ўқиш мактабни тамомлаш билан тугаб қолмайди, у бутун умр давом этиши керак бўлган амалдир.

Диёра ҲИДОЯТОВА
Вокал кафедраси лаборанти



Техника ривожланган бир даврда яшаётган эканмиз, замон билан ҳамнафас бўлиб, энг сўнгги русумдаги машина харид қилишга, инсон қўли билан яратилган замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланишга, давр талабига жавоб берадиган интеллектуал салоҳияти юқори даражадаги кадр бўлишга интиламиз.

XXI аср — технологиялар асри. Бундан кўринадики, атрофимизни қураб турган жамики мавжуд техника воситалари ёки воқеа-ҳодисаларни ўрганиш учун бир инсоннинг умри етмайди. Агар инсон нафас олаётган атмосфера қобилини ўргимчак тўри сингари ўраб олган электромагнит тўлқинларини кўзи билан кўришнинг имкони бўлганда эди, инсонларни атмосферага раҳми келганидан ушбу ижтимоий ҳаётда фойдаланиб турган техника воситаларидан воз кечган бўларди. Чунки, бу электромагнит тўлқинларининг зарари табиатга нисбатан инсон организмга таъсири кучли. Шунини алоҳида таъкидлашимиз керакки, ҳаётимизнинг маълум бир бўлагига айланган қўл телефони электромагнит тўлқинлари манбаи ҳисобланади.

Ўтган 2014 йилнинг иккинчи чорагида саратон хасталигини

ўрганиш бўйича халқаро агентлик ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мобил алоқа воситалари одамларда хавфли ўсмаларни келтириб чиқаришини биринчи марта эътироф этди. Шу чоққача бу ҳақда фақат тахминлар айтиб келинган бўлса, эндиликда нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам қўл телефонларининг зарари ҳақида узил-кесил фикр билдиришган. Бош мия тўқималарининг зарарланиши, айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, бирданига эмас, балки орадан 15-20 йил ўтгачгина аниқ намоён бўлишини ва шу сабабли улар 2020 йилга бориб бош мия ўсмаси билан хасталанган одамлар сони кескин ошиб кетишини тахмин қилишмоқда. Негаки, ҳар куни атиги 15 дақиқа мобил телефонда гаплашишнинг ўзи миёда саратон ўсмаси ҳосил бўлиши учун етарлидир. Бундай телефонларнинг, айниқса, болалар учун хатари кучли.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўл телефонидан фойдаланишда эҳтиёт бўлишни ва ундан метёрида фойдаланишни тавсия қиламиз.

Аббос ЮЛДАШЕВ
Эстрада актёрлиги бўлими 4-курс талабаси

Муассис:

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир:
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА
Антонина КОШЕЛЕВА
Умида ҲАСАНОВА
Шохруҳ АБДУРАСУЛОВ

Саҳифаловчи-дизайнер:
Баҳром БОБОЖОНОВ

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри
М.Улугбек тумани, Ялонғоч мавзеси, 127 А уй
Тел.: +99890 349 71 72;
+99871 230 28 13
www.dsmi.uz; dsmi_info@olam.uz

Газета ҳар оининг охириги ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

Газета институтнинг нашриёт-таҳририят бўлимида тайёрланди.
Ўлчами — А2, ҳажми — 1 босма табоқ
Нусхаси — 2000 дон. Баҳоси келишилган нархда.
Чоп этишга 29.06.2015 да топширилди.